Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24319098

materiallar to'plami

КЛАСТЕРЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ (СИНФЛАРИ) ХАҚИДА

Эшанкулов Сирожиддин
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети "Ахборот технологиялари" кафедраси ўқитувчиси, ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
ORCID: 0000-0003-0272-9404

Аннотация. Мақолада кластернинг турлари ва белгилари бўйича, хусусан, асосий омилларга ҳамда функционаллик ва самарадорлик хусусиятларга асосланган кластер турларига кўра синфланишига оид мулоҳазалар ёритилган

Калит сўзлар. Ҳудуд, минтақа, гуруҳ, кластер, иқтисодиёт, синфлаш, қамров, гуруҳ, мансублик.

Кластерни шакллантириш жараёнида йирик бизнеснинг роли кичик ва ўрта корхоналарни фаол ахборот ва ишбилармонликнинг биргаликда ҳаракатлари билан яқин кооперацион ва субконтрактацион муносабатлар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга жалб қилишдан иборат. Бу барча кластер иштирокчиларининг ривожланишига ҳисса қўшади ва уларга бундай мустаҳкам муносабатларга эга бўлмаган бошқа алоҳида корхоналарга нисбатан рақобатдош устунликларни беради. Булар асосан кўплаб ўрта ва кичик корхоналарга эга бўлган йирик, етакчи фирмаларнинг норасмий бирлашмалари, технология яратувчилари, бозор институтлари ва истеъмолчиларни бир-бири билан ягона қиймат занжири доирасида ўзаро алоқада бўлиб, чекланган ҳудудда тўпланган ва муайян турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш хизматларни фаолиятни биргаликла амалга оширадилар. Иқтисодиётда кластер маълум бир ҳудуддаги ўзаро боғлиқ корхоналарнинг иқтисодий агломерацияси объекти сифатида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш давридан бери маълум бўлган. Шу боисдан, иқтисодий фанда кластер ёндашувининг юзага келишида А. Маршалл номи қайд этилади. Маршалл "кластер"ларни "localized industry-маҳаллийлашган тармоқлар"-деб атаган [1]. Мураккаб ва сиғимли тушунча бўлган кластер турли тадқиқотчи олимлар томонидан қуйидагича таърифланади [2]:

- ўхшаш (турдош) маҳсулотлар ёки хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларнинг географик жиҳатдан яқин гуруҳлари (Marshall, Artur, Sorenson ва Audia);
- саноатнинг ўзаро боғлиқ тармоқларнинг географик жиҳатдан яқин гуруҳи (Porter) [3];
- корхона ва ташкилотлар тармоғи (Becattini) ва тегишли географик ҳудудлар доирасида боғланган муассасалар тармоқлари (Saxenian);
- бир хил ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланадиган ва шу технологияга асосланган бошқа компаниялар билан боғлиқ бўлган корхоналар гуруҳлари (Tushman ва Rosenkopf, Wade).

Кластерларни ҳар хил турлари ва белгилари бўйича таснифлаш мумкин [8-12]. Масалан, Европа кластерлари классификация (синфлаш)нинг NACE таснифи қабул қилинган, бунга асосланиб 38 та кластер тоифалари аниқланди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, географик жиҳатдан кластер турли географик

Published: 10.11.2023

Cite this article: Эшанкулов Сирожиддин (2023). Кластерлар классификацияси (синфлари) хақида. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319098

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

бирликларни қамраб олади, яъни у битта шаҳар ёки минтақани ҳам, бир мамлакатни ёки бир нечта яқин мамлакатларни ҳам қамраб олиши мумкин.

1-жадвал.

NACE* Европа кластерлари классификациясининг тузилиши (Ўзбекистон мисолида)

Категориялар, гуруҳлар	**Тармоққа мансублиги**
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: пахтачилик	Пахта етиштириш, хом-ашё қабул қилиш, сақлаш, бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, логистика, сотиш
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: мева-сабзавотчилик, узумчилик	Маҳсулот етиштириш, логистика, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: пиллачилик	Пилла етиштириш, хом-ашё қабул қилиш, сақлаш, бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, логистика, сотиш
Газ-кимё ва технология саноати	Конлар, ускуналар, технологиялар, логистика
Машинасозлик	Автомобиллар, компонентлар
Туризм	Хизматлар, транспорт
...	

*NACE (National Association of Corrosion Engineers)

Кластерларни турли хил турлари ва белгилари бўйича синфлаш мумкин (жадвал). Кластерлар синфланиши (классификацияси), синфлашни қуйидаги белгиларини қамраб олади [2]: ҳудудий қамрови бўйича (Porter M.); кластернинг ривожланиш стадияси (босқич)ига кўра (Andersson T., Schwaag S.); маҳсулотларнинг янгилик даражасига кўра (Carlos A. Carvaja, Chihiro Watanabe); “иш ўринлари ҳажми қараб, иш ўринлари сони бўйича” ва “тармоққа мансублиги бўйича “(Roger R. Stough, Peter Arena); ҳажмига кўра, экспортдан олинадиган фойда даражасига қараб (Mehta Dh., Shukla P.); ўзаралоқалар структурасидаги фарқлар бўйича (Heany D.F., Weiss G.); инновация даражасига кўра; билимлар алмашиш ва ундан фойдаланиш тизимидаги роли бўйича (ОЭСР); кластер структураси элементларининг мавжудлиги ва уларнинг ривожланиш даражаси бўйича (Финландия иқтисодиётни тадқиқ қилиш институти); кластер иштирокчиларининг агригациялаш даражаси бўйича (Бондаренко В.); кластерга кирувчи корхоналарнинг тармоқ хусусиятига кўра (Россия Федерациясининг кластер концепцияси сиёсати).

2-жадвал.

Кластерларнинг синфланиши*

№	**Кластер турларини синфланиши**	**Омиллар ва хусусиятлар**
1.	Асосий омилларга асосланган-*кластер турлари*	*Яратиш усулига кўра*: сунъий равишда яратилган ва табиий равишда ривожланаётган кластерлар

		Ядро (ўзак)нинг мавжудлигига кўра: ядроли ва ядросиз кластерлар [4, Шаститко]
		Ривожланиш омилларига кўра: инфратузилмавий-инновацион кластерлар, янги инфратузилмали кластерлари, ултратузилмавий метасаноат кластерлари, хорижий технология платформасини мослаштириш кластерлари [5, Громико]
		Тармоққа мансублиги бўйича: агрокластер, мева-сабзавот кластери, туризм, фармацевтика ва бошқалар
2.	Функционаллик ва самарадорлик хусусиятларга асосланган *кластер турлари*	*Молиялаштириш манбаларига кўра*: ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган кластерлар; ўз ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган кластерлар; аралаш молиялаштирилган кластерлар
		Кластернинг ривожланиш даражаси кўра: ишчи, латент (яширин) потенциал [6, Rosenfeld]; потенциал, ривожланаётган, стратегик, етук, барқарорлаштирувчи, рақобатбардош кластерлар [7, Соколенко]
		Меҳнат фаолияти динамикасига кўра: ўсувчи, барқарор, камайувчи кластерлар
		Фаолият кўламига кўра: маҳаллий, минтақавий, миллий ва халқаро кластерлар [7,Соколенко]
		Самарадорлик кўрсаткичларига эришини баҳолашга кўра: самарали, барқарор, самарасиз

**жадвал, тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир корхонани рақобат асосида ривожлантириш самарадорлиги нафақат кластер бирлашмасининг ҳар бир иштирокчисини, балки, умуман, муайян минтақанинг барча корхоналарининг ривожланиши, уларнинг рақобатбардошлиги ва тегишли тармоқлар, хусусан сут чорвачилигининг ривожланишига ёрдам беради. Интеграциялашган тузилмаларда эса барча корхоналар бош корхона фаолиятининг максимал самарадорлигини таъминлайди.

Пировардида, минтақа иқтисодиётининг кластерлашув йўлида ривожланиши капитал ва технологиялар, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш имконини беради, бу эса молиявий ресурслардан ташқари, минтақага янги технологиялар, интеллектуал ресурслар, бошқарув кўникмалари ва дунёга машҳур брендларни олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маршалл А.Принципы экономической науки.Т.3. М.: Прогресс, 1993.351 с.

2. Бабкин А.В., Новиков А.О. Кластер как субъект экономики: сущность, современное состояние, развитие. Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки № 1(235) 2016. https://economy.spbstu.ru/userfiles/files/articles/2016/1/babkin_novikov.pdf babkin_novikov.pdf

3. Porter M.E. The Competitive Advantage of Nations. New York: Free Press, 1990.

4. Шаститко А. Е. Кластеры как форма пространственной организации экономической деятельности: теория вопроса и эмпирические наблюдения / А. Е. Шаститко // Балтийский регион. – 2009. – № 2. – С. 9–31.

5. Громыко Ю. В. Что такое кластеры и как их создавать? / Ю. В. Громыко // Альманах «Восток». – 2007. – № 1 (42). – С. 21–27.

6.Rosenfeld S. A. Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic Development / S. A. Rosenfeld // European Planning Studies. – 1997. – № 1, 5. – P. 3–23

7. Соколенко С. И. Производственные системы глобализации: Сети. Альянсы. Партнерства. Кластеры / С. И. Соколенко. – Киев: Логос, 2002. – 645 с.

8. Эшанкулов, С. 2021. Анализ развития плодовощных кластеров. *Общество и инновации*. 2, 10/S (ноя. 2021), 239–250. DOI:https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss10/S-pp239-250

9. Khamrakul Urdushev, Majid Mavlyanov, Sirojiddin Eshankulov. (2020). ISSUES OF CLUSTERING AGRICULTURE IN UZBEKISTAN. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 10, Issue 10, October 2020. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01261.6. 1180-1192 pp. https://saarj.com. https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICIA-OCTOBER-2020-FULL-JOURNAL.pdf

10. Хамракул Урдушев, Маджид Мавлянов, Сирожиддин Эшанкулов. Кластерлар қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда хўжалик юритиш фаолиятини замонавий усуллари сифатида. Samarkand branch of Tashkent State Agrarian University Theoretical and practical foundations of introducing smart agriculture in Uzbekistan. Volume 4 | SamTSAU Conference | 2023. https://cyberleninka.ru/article/n/klasterlar-ishlo-h-zhaligi-va-chorvachilikda-h-zhalik-yuritish-faoliyatini-zamonaviy-usullari-sifatida

11. Khamrakul Urdushev; Khudaynazar Yunusov; Sirojiddin Eshankulov. (2021). Analysis of the Current State of the Economy of Fruit and Vegetable Clusters in Uzbekistan. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU). ISSN 2364 - 5369. Volume 8, Issue 5, May, 2021. Hamburg, Germany Pages: 321 - 329. https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/2673

12. Урдушев Х., Эшанқулов С., Мавлянов М.Т. (2022). Кластерлар интеграциялашган тузилма сифатида. Veterinariya va chorvachilikda innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqarish va joriy etishning istiqboldagi vazifalari” nomli xalqaro ilmiyamaliy konferensiyasi materiallari. Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti, 2022 yil. https://sciencebox.uz/index.php/tibbiyot/article/view/4801/4328